# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1996 йил, 23 январ

4(33)- сон


## ЮРТНИНГ ОҒИРИН ТОРТАР...

**ЮРТ ОҒИРИН ТОРТОЛГАН АСЛИ ЮРТ БОШИ БЎЛУР,**
**ФАҚАТГИНА ХАЛҚ ЯШАР, ФАҚАТГИНА ҚОЛУР ХАЛҚ.**

**Абдулла ОРИПОВ.**

Баъзи адабий, тарихий, илмий-мемуар асарлар одамнинг миллий мағзини фавқулодда тўлиқ акс эттиради. Улардан халқнинг тарих уммонидаги беҳудуд уринишлари, ўзи, ўзлиги ва ўзига Самолар эгаси томонидан ирода этилган замин пучмоқларини асраш йўлидаги жонбозликлари ва ниҳоят, шу жараёнларда қалби ва онгининг ажиб бир тарзда сувратланишларини тўла уқиб олиш мумкин. Бундай асарлар ноёб бўлади ва улар миллатни тўла маънода миллат қилишга бетакрор, ўлмас улуш қўшади. Яқинроқ жойлардан мисол келтирадиган бўлсак, мен Грибоедовнинг «Ақллилик балоси», Тагорнинг романлари ва Бобурнинг «Бобурнома»сини шундай асарлар сирасидан деб тушунаман.

Бобур ўз бошидан ва демак, миллат бошидан кечган (Бобур — миллатнинг том маънодаги тимсоли эди. Умуман, ҳар қандай маърифатли, оқил ҳукмдорлар доимо ўз миллатларининг тимсоли бўлиб келганлар) кўп ибратли воқеалар ҳақида ҳикоят қилар экан, ўзини чалғитмоқчи, адаштирмоқчи бўлганлар тўғрисида ҳам гувоҳликлар қолдириб кетгандир. Чалғитиш азалдан бор экан. Илоҳий битикларда ҳам чалғитиш борасида кўп фожиали ва ҳакимона қиссалар битилган. Одамзод воҳид Худони танигунча ва унга тўла иймон келтиргунча қанчалар чалғимади. Қанчалар санамларга сиғинмади. Қанчалар олддан, ортдан, ўнгдан, сўлдан шайтон васвасаларига учмади.

Лекин Салим бўлгач, Ягона Саломни танигач, у ўз қаттол ғанимини ҳам ниҳоят билди. Аллоҳ танитди унга бош ғанимини.

Чалғитишга учадиганлар, чалғитишга қарши туролмайдиганлар тарих ва инсоният, ўз халқлари олдида доим уялиб қоладилар. Ахир Ироқдай маданий мамлакатни шу аҳволга келтирган Саддам ҳам ўз-ўзича шу ҳолга тушмагандир. Кимлардир уни чалғитган. Васвасага солган, юрагида ваҳший ҳисларни жунбушга келтирган. Нурмуҳаммад Тараккий ўз-ўзидан ўзини ва Афғонистонни шу аҳволга келтирдими? Йўқ, ўз-ўзидан эмас! Аллакимлар уни чалғитган. Унинг қўйни ва қўйнигина эмас, онгини ҳам пуч ёнғоққа тўлдирган.

Югославия, Чечен диёри, Яқин Шарқдаги фожиали воқеаларда чалғишлар ва чалғитишлар қанчалар мудҳиш ва қонли ўйинларни майдонга чиқарди. Мисоллар кўп. Ғоятда ибратли. Агар жиддий муҳофазада бўлинмаса, хатарли тус олиши ҳам ҳеч гап эмас.

Кўпроқ кимлар чалғийди? — деган савол ҳам туғилади. Яна ким билсину, лекин аксаран миллат тимсоли бўлолмаган, фақат ҳокимият парастлик шиддати билан юзага чиққан ҳукмдорлар чалғишга мойил ва қобил бўлади.

Ўзбекистон бу ҳодисаларнинг буткул акси ўлароқ кейинги йиллар ичида бахтиёр ва саодатли тақдир эгаси бўлди. Ўзбекистон бахтли мамлакат деган ишончли сўзни мен кўп чет элларнинг одамларидан, давлат раҳбарлари, сиёсатдонларидан эшитдим. Германияда ҳам ҳар нарсанинг рационал мағзини қидирадиган, топадиган ва чақадиган немислар ҳам шу фикрни бир эмас, бир неча бора билдирдилар. Улар барча ҳолларда Ўзбекистон бахту саодатини унинг Президенти Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлайдилар. Биз қуруқ ҳавойи гаплар, мақтовларнинг нима эканлигини биламиз. Улар кимларнинг димоғини шишириши ҳам эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Аммо гап мамлакат, халқ, миллат учун ҳаммадан кўпроқ, ҳаммадан яхшироқ, ҳаммадан самаралироқ, фидойироқ ишлаётган давлат раҳбари ҳақида борганда, мамлакат бахт-саодатини унинг йўлбошчиси сиймоси фаолияти, ақлиродаси орқали тасаввур қилиш — фақат миллий ифтихор уйғотади. Сир эмас, кейинги уч юз йил ичида биз шу туйғумизни бой берган эдик. Йўлбошчи етишмай ёки етишганлари омонсиз қисматларга учраб, миллат пароканда ва фаромуш, мунглуқ ҳолга етган эди. Юртбошилар ўтмишда турли тарихий шароитларга кўра юрт дардини енгиллатолмадилар. XX асрнинг сўнгига келибгина халқ йўлбошчи деган саодатга эришди. Халқ шоири юз карра ҳақ:

Юрт оғирини тортолган асли юрт боши бўлур.

Бу гапларнинг ёзилишига боис кечагина Москвада бўлиб ўтган мустақил давлатлар раҳбарларининг учрашувлари. Ва шу учрашувлардан сўнг она юрт сари қайтаётганда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон телевидениеси учун қилган суҳбати.

Шу мамлакатимнинг фуқароси сифатида мен нимадан фахрланаман? Бунга боис аввало, Президентнинг мустақил инсон, мустақил давлат арбоби, мустақил йўлбошчи сифатида фикрлашидир. Президент Москва учрашувларида ўртага ташланган уч катта масала хусусида сўзлади ва халққа уларни ҳар томонлама таҳлил асосида тушунтириб берди. Учала жуда муҳим, жиддий, тақдирсоз масалада ҳам у мустақил давлат раҳбари сифатида ҳеч кимникига ўхшамаган ўз қарашлари, нуқтаи назари, позициясини баён этди. Бу қарашлар — унинг тугал эътиқоди. Шунинг учун ҳам Елциндай омилкор Президентни ўз нуқтаи назарига ишонтира олган.

Ахир келинг, ўйлаб кўрайлик. Ҳамдўстликнинг «умумий чегаралари» деган гап кейинги йилларда айрим доиралар томонидан қайта-қайта тилга олинмоқда, учрашувларда тўхтовсиз ўртага ташламоқда. Нега? Чунки айрим қийналиб турган, оғирчиликлар остида эзилиб қолган мамлакатлар бу галга бирдан кўниб қолишлари мумкин-да! Ҳолбуки «умумий чегара» деган сўз агар у қабул қилинса, ҳар қандай мустақиллик дарҳол йўққа чиқди демакдир. Ростдан ҳам, Президент айтмоқчи, ўз чегараларини ўзи қўриқлай олмайдиган мамлакат қандай мамлакат ва у қандай қилиб мустақил бўла олади?

— Йўқ! — деди Президент қатъият билан. — Биз ўз чегараларимизни ўзимиз қўриқлаймиз! Бунга кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етади!

Бошқа ҳамма гапларни қўйиб турганда ҳам, эҳтимол худди шу ишончли, ўктам сўзлардадир асли халқимизнинг бахт-саодати! Ахир шу эмасми келажагимизнинг иродаси!

**МУҲАРРИР**

**МУҚАДДАС РАМАЗОН ОЙИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**



## ТЎЙНОМА

Илм оташгоҳида пўлатдай метин-мустаҳкам Пўлат ирodадан бино бўлган, Азиз устоз!

Етмишга кирганингиз муборак бўлсин, ундан-да аввал, миллий маданиятимиз тўридаги эътиборли ўрнингиз ўзингизга қутлуғ бўлсин ва буюрсин. Етмиш ёшга етганлар бисёрдир, аммо замондошларининг ботиний иқрорида-ю зоҳирий изҳорида азиз саналганлар унча кўп эмас.

Сиз ҳазрат Алишер Навоийнинг фикр уммонидан дур териб, нур ва тафт олган, поклик иқлимига йўғрилган бахтиёр зотсиз. Яхшиликнинг сурати қандай бўлур десалар, бир кўриниши мана бундоқ бўлур, деб Сизни кўрсатсалар, ўринлагай!

Бу қадр-қимматнинг шоҳсупасига Сиз чўнг сабр ва заҳматлар ила етиб келдингиз. Аввали Аллоҳ, сўнгра Сиз азиз қилган улуғлар руҳи мададкорингиз бўлмиш. Моҳларойим теграngизни дуо бирла қўриқлайдур. Ал Беруний, Ибн Сино, Бобур Мирзо ҳазратларининг ва Қўқон адабий гулшанини мунаввар этган не-не зоти покларнинг руҳи бугун Сизга ризолик айтиб турадур.

Бузрукворингиз зако ила Сизга Азиз дея ном қўйибдилар. Эзгу ниятлари ижобат бўлди. Аллоҳ Сизни шу азизликлар ичра омон-омон асрасин, устози Азиз!

**Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази**

## НАСИБАНГИЗ УЛУҒ БЎЛСИН!

19 январ куни устоз Азизхон Қаюмов таваллудининг етмиш йиллиги нишонланди. Алломани кутлагани бутун Қўлёзмалар институтининг илмий жамоаси, Ўзбекистон фанлар академиясининг йирик олимлари, яқин дўстлар, биродарлар, шогирдлар ва мухлислар жам бўлдилар.

Академик Иброҳим Искандаров олиб борган анжуманда алломанинг ибратли ҳаёт йўли, асарларининг илм-фан дунёсидаги қиммати, илм билан муъайян бўлган инсонийлик ҳақида ҳаяжонга тўлиқ сўзлар айтилди. Йўллар, устозлар ёдга олинди.

— Онам мени доим Худо насибангни улуғ қилсин, болам! — деб дуо қилардилар, — деди устоз анжуман сўнгида. — Нимага эришган бўлсам, ўша дуонинг файзидан деб биламан. Ва етмишга тўлган чоғимда сизларга ҳам шу сўзларни такрорлагим келади: Насибангиз ҳамиша улуғ бўлсин!

## ТАЁҚНИНГ икки учи

### ШАРҚ ДЕМОКРАТИЯСИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Бугун «демократия» сўзи ҳамманинг тили учида туради. Қизил салтанат қулагандан сўнг, айниқса, бу калима машҳур бўлиб кетди. Шарқий Оврўпо, Кафказ, Болтиқбўйи, Марказий Осиё кенгликларига ҳам ёйилди. Албатта, «демократия» талаб қилар экан, ҳар ким аслида дилида ҳар хил ўйлайди, «демократия»дан ўзича фойдаланмоқчи, ўзи истаган нарсани топмоқчи бўлади, у ҳақда биров жиддий гапиради, биров — истеҳзо билан, биров — шундай демоқнинг пайти келиб тургани учун. Бу ҳолат менга бир воқеани эслатади: қоронғу ўрмонда кетаётган тўда одамлар филга дуч келиб қолишибди. Йўғон оёкларини тутамлаб, бирови: «Оғайнилар, саройга келиб қолдик, шекилли, мен устунларини ушлаб турибман» — дебди. Иккинчиси филнинг думини ушлаб: «Қочдик, илонга дуч келиб қолдик!» — деб бақирибди. Яғринини сийпалаб кўриб, учинчи одам: «Ҳали совиб улгурмаган кўрпа бўлса керак?!» — деб ўзича ўйлабди... Демократияни ҳам худди шундай тушуниш йўқ эмас. Ёки биров уни гапириш, ични бўшатиб олиш деб тушунади, ўтмишни қўмсаган бошқаси уни «қаттиқ интизом» деб тушунтирмоқчи, ҳамманинг оғзини ёпиб қўймоқчи бўлади, кеча кун бўйи домино суриб маош олган такасалтанг боқим бугун ишлаш пайти келганини тушунмасдан: «Демократия деганлари шуми?» — дея ёзғиради, кимдир «демократия»дан қўрқади, кимдир у билан қўрқитмоқчи бўлади.

Демократияни тўлалигича англашга — «филни фил ҳолича» кўришга вақт керак. Булар шунчаки бир фикрлаётган одамнинг шахсий мулоҳазаларидир. Ҳаққоний тасаввур эса турли мулоҳазалардан тикланади.

**Давоми иккинчи бетда**

## Кўҳна ҳикматлар

## Конфуций айтган экан...

### ИККИНЧИ ФАСЛ

1. Устоз айтарди:

— Фаровонликдан келиб чиқадиган ҳукумат бамисли Олтин Қозиқ юлдузига ўхшайди: у ўз ўрнида қўзғалмай туради, бошқа юлдузлар эса унинг атрофида айланадилар.

4. Устоз айтарди:

— Ўн бешимда илмларга шўнғидим. Ўттизимда — қуюлдим. Қирқимда — шубҳалардан халос бўлдим. Элликимда — Осмон иродасини англадим. Олтмишимда — қулоғимни ўзимга бўйсундирдим. Етмишимда меъёрдан чиқмай кўнгил хоҳишларига юраман.

5. Мэн И-сзи фарзандлик бурчи нима деб сўради. Устоз жавоб берди:

— Тузукдан чиқмаслик.

Фан Чи от аравани ҳайдаб борарди, шунда Устоз айтди:

— Мэн Сун мендан фарзандлик бурчи нима деб сўради. Мен унга: тузукни бузмасликдир деб айтдим.

— Бунинг маъноси нима? — деб сўради Фан Чи.

Шунда Устоз жавоб берди:

— Ота-она тириклигида уларга яхши хизмат қилмоқдир. Қазо қилсалар — кўмиб келмоқ ва зарур русумларни адо этмоқликдир.

6. Мэн Убо тавозекор ўғил қандай бўлади, деб сўради. Устоз айтди:

— Фақат бетоблиги билангина ота-онасини ташвишга соладиган ўғил.

7. Сзию тавозели ўғил қандай бўлади, деб сўради. Устоз жавоб берди:

— Ҳозир ота-онасига боқишга қурби етадиган ўғилни тавозели деб билишади. Лекин итлар ва отларни ҳам боқадилар. Агар ота-онага ҳурмат бўлмаса, бунинг нима фарқи бор?

11. Устоз айтарди:

— Эскиликни ўзлаштириб олган ва янгиликни англашга қобил киши устозлик қила олади.

13. Сзигун ҳақиқий эр қандай бўлади, деб сўради.

— Аввал ўйлаганини адо этади, — деди Устоз, — ана ундан кейингина буни гапиради.

15. Устоз айтарди:

— Агар ўқисангу ўйламасанг — чалкашиб қоласан. Агар ўйласангу ўқимасанг — шубҳалар тагида қолиб кетасан.

17. Устоз айтарди:

— Ю! Билим нима эканлигини сенга айтайми? Бир нимани билсанг, билдим деб ҳисобда. Агар нимандидир билмасанг, билмадим деб ҳисобла. Мана шу нарса билиш бўлади.

19. Ай-гун деган княз сўради:

— Халқни нима билан бўйсундириш мумкин?

Устоз Кун унга шундай деди:

— Виждонли ва ҳалол бўлганларни инсофсизлар устидан юқори кўтарсанг, ҳалойиқ бўйсунади. Агарда инсофсизларни виждонли ва ҳалол кимсалар устидан юқори кўтарсанг, ҳалойиқ бўйсунмайди.

## ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Республикамиз кундалик ҳаётига кириб келаётган имкониятларнинг ҳар бири муҳим эканлиги билан ўз қадрини топмоқда. Бурунги тузум даврида бизга бегона бўлган соҳалар, амаллар билан бугунда ўзимиз бевосита тиллашаяпмиз.

ТошДУ журналистика факултети ҳам ўз имконияти даражасида талабалар учун янгиликлар ярата бошлади. Ўтган йил охирида факултетда хорижий журналистика бўлими тузилиб, тест имтиҳонлари асосида 3-босқич талабалардан 9 нафар, 4-босқичдан 6 нафар талаба сараланиб қабул қилинди. Тест имтиҳонлари вақтида Андижон Давлат университети талабалари ҳам иштирок этиб, 1 нафари янги бўлимда ўқишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, айни кунларда Қорақалпоғистондан бир неча илму толиблар кутилмоқда.

Хорижий журналистика бўлимида ҳозирча уч тил: инглиз, немис, француз тилларида гуруҳига қараб дарс олиб борилади. Бўлимнинг 3 компютер, видео, магнитофон ва бошқа жиҳозлари мавжуд. Ўқиш феврал ойидан бошланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, хорижий журналистика бўлими талабалари 8 ойдан сўнг четга тажриба орттириш учун тайёр бўлишади.

Бу биз учун ғоят қувонарлидир. Ҳозирча эса, факултет ўқитувчиларини табриклаб, талабаларга омад тилаб қоламиз.

**Б. ПИРНАФАСОВ**

## ШИДДАТЛИ ЗАМОН ТАЛАБИ

Мамлакатимиз президенти истиқлол ишида, уни мустаҳкамлашда ижодкор зиёлилар, ёзувчилар, журналистлар алоҳида ўринга эга эканлигини ҳар доим таъкидлаб айтади. Мамлакатнинг маданий тарихига буюк улуш қўшган адиблар ва алломалар ҳақида билдирган барча фикр-мулоҳазаларида меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эътибор барқ уриб туради. Президентнинг ижодкор зиёлилар билан учрашувлари ва уларда ўртага ташланган мустақилликнинг ранг-баранг ғоялари ҳаммамизнинг ёдимизда. президент бу учрашувларда маънавият, миллий мафкура, миллатнинг шаклланиши масалаларига алоҳида тўхталган, айтиш мумкинки, мустақилликка эришган ёш давлат учун бениҳоя муҳим аҳамиятга эга ушбу ғоятда мураккаб, осон бўлмаган масалаларнинг назарий асосларини белгилаб берган эди.

Шундай учрашувлардан бирида, 1993 йилнинг апрелида Президент бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашиб, мамлакат халқи, шу жумладан ёзувчилар олдида турган вазифаларга ўз қарашларини шундай баён этган эди:

«Ўзбекистоннинг бугун фақат битта йўли бор, у ҳам бўлса, ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаб, фақат олға юришдир. Бошқа йўл йўқ.

Энди бу ғоянинг ҳозирги мураккаб вазиятдаги маъносини халқимизга тушунтирмасак, шу пайтда иккиланиб турсак, келажак авлодга хиёнат қилган бўламиз. Агар хушёр бўлмасак, ўзимизни, бу муқаддас заминни, келажак авлод манфаатларини ҳимоя қилмасак, бизни ҳеч ким кечирмайди. Ҳозир қийин, лекин қайси даврда, қайси замонда эркинлик осонлик билан қўлга киритилган?

Буни сизлар жуда теран англайсизлар, бу гаплар юрагингизга яқин деб ўйлайман. Шу нуқтаи назардан ўзаро фикр алмашиб, якдиллик билан ҳаракат қилишимиз зарур. Шу масалада, маънавий инқироздан чиқишда, сиз қаламкашлар, энг асосий етакчисиз...»

Ўша пайтда —1993 йилнинг баҳорида ҳақиқатан ҳам маънавий инқироздан чиқиш, президент айтмоқчи сиёсий онги уйғонаётган халққа маънавий мустақиллик озиғини бериш давлат ва жамият миқёсларида катта аҳамият касб этган эди. Ўшандан бери кўп вақт ўтгани йўқ. Уч йил қарийб... Лекин бу уч йилда қилинган ишлар, маънавият учун олиб борилаётган кураш уч юз йилга татийди.

Замон шунчалар зўр, шунчалар шиддатли, шунчалар тезкорки, орада адо этилган ишларни чамалаб кўрилса, ақл бовар қилмайди. Миқёслар муболағали бўлиб кўринади. Лекин бунда ҳеч қандай муболаға йўқ. Биз энди аввалги ошириб-тошириб, бўяб-бежаб кўрсатиш иллатларидан тамомила қутулганмиз. Қилинган ишларнинг бари реал мазмунга эга.

Ўша маънодор, ўша салмоқли сўзлардан сўнг кўп ёзувчилар енг шимариб ишга бел боғладилар. Мамлакатни маънавий ва қолаверса, мафкуравий юксаликка кўтарилишида ўз вазифаси, ўз ўрнини белгилаб олди. Янги давлатга, унинг биринчи мустақил, том демократик асосда сайланган биринчи Президентга шу соҳаларда ўз кўмагини берди.

Лекин кечган уч йил Президент ўртага қўйган муаммоларнинг ўткирлиги, долзарблиги, ўта ҳаётийлигини заррача камайтиргани йўқ. Маънавият ва мафкура соҳаси шундай эканки, қанча кўп иш қилинса, ортидан яна шунча ва ҳатто аввалгисидан ҳам кўпроқ ва жиддийроқ иш майдони очилаверади. Мустақиллик шундай улуғ ҳодиса. У ҳеч кимга бир зум бўлсин ишлардан қаноат ҳосил қилиб ўтиришга, талтайишга йўл қўймайди, изн бермайди. Мустақиллик ҳар куни, ҳар соат енг шимариб, ақлни қаттиқ ишлатишни талаб қилади. Шунинг учун Президент доим такрорлаб айтадики, мустақилликка фидокорлар керак. Етакчилар керак. Сиёсий фикри истиқлол сари ўсганлар керак.

Куни кеча, 18 январ куни бўлиб ўтган Ёзувчилар уюшмаси котибиятининг кенгайтирилган йиғилишида сўзловчиларни эшитиб ўтириб, Президент барчамизнинг олдимизга қўйган вазифалар, даъватлар, қўйилган саволлар ҳали андак бўлсин эскирмаганлиги, кун тартибидан тушмаганлигини англадим.

Халқ ўртасида, зиёлилар ва қалам аҳли ўртасида ишонч, аҳиллик, жипсликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни поғонама-поғона, қадам-бақадам мустаҳкамлаб бориш маънавият, маърифат мустақил давлат сиёсатининг таркибий қисми эканлигини бир зум бўлсин ёддан чиқармаслик устида сўз борди.

Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарияти мураккаб даврда, ва шу билан бирга ҳар қанча фахрланса арзийдиган даврда иш олиб борди. Мустақилликни мустаҳкамлашда ўз улушини қўшди.

Лекин ёзувчилар йиғинда таъкидлаб айтганларидек, замон шиддат билан тез ўтиб боряпти. Мамлакат ва унинг халқи олдида янгидан янги вазифалар кўндаланг бўлмоқда. Мустақиллик манфаатлари йўлида халқ бирлашаяпти, жипслашяпти. Эндиликда ижодкор зиёлилар ҳам ўртада туғилган ва тирик ҳаёт жараёнларида табиий бўлган айрим паст-баланд гапларни катта оқимдан четга улоқтириб ташлаб, истиқлол манфаатлари учун бирлашиб, биргалашиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсинлар. Президент, ҳукумат, жамоатчилик уларнинг бу йўлдаги барча хатти-ҳаракатларини қўллаб-қўлтиқлайди. Ёзувчиларнинг жамоатчилик ташкилотига имкон кўтарган моддий-маънавий мададини аямайди.

Йиғинда сўзлаган Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол ана шулар ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилишда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Жамол Камолнинг ижодий ишга ўтиш ҳақидаги фикрлари инобатга олиниб, унинг Ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимидан ўз ихтиёри билан бўшаш тўғрисида берган аризаси бир овоздан қабул қилинди. Ва котибиятнинг қилинган ишлар юзасидан унга миннатдорлиги билдирилди.

Кенгайтирилган котибият йиғилиши Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповни уюшма раиси лавозимига тавсия этди ва Абдулла Орипов Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси этиб сайланди.

**«МТ»**

# Тилда эмас, дилда бўлсин

Хизмат тақозоси билан кейинги вақтларда кўпдан-кўп йиғинларда иштирок этишга тўғри келди. Ҳар йиғинларки, бирининг номи конференсия бўлса, бирининг номи симпозиум, бири мажлис, бири машварат, яна бири — анжуман, бошқаси — «давра столи», семинар, кенгаш, баҳс-мунозара, муҳокама... Расмий тус бериб буларни «тадбир» дейдилар. Демак, мамлакат, дунё миқёсидаги нимагадир чора изланади, муҳим нималардир муҳокама этилиб, тегишли хулосалар ясалади. Қисқаси, зарур ва фойдали тадбир.

Аммо таажжубли жойи шундаки, яна шундай йиғинлар ҳам борки, уларда аксарият қиёфалару бир хил «ойтқич»ларни учратасиз.

Дарвоқе, «ойтқич» деганимиз... Пойтахтдан бир одам «же»лаб сўзловчи узоқ қишлоқларимиздан бирига борибди. Меҳмон шарафига қилинган зиёратда ҳар гал қадаҳ кўтаришдан олдин косагул: «Ойт, Жонқобил!» деб қўярмиш. Жонқобил «ойтар»миш: «Жигит ўлмайиқ, бало кўрмайиқ! Вўтирған вўрнимиз жўғолмасин! Қаони, мейманжанлар, обжаринғизлар, охиригача, ҳо-ов!» Ажабланган меҳмон аста сўрабди: «Сизларда қадаҳ сўзини фақат бир киши айтадими?» «Ойтқичимиз шў-да мейманжан!» деган экан даврадошлар.

Шунга ўхшаб, биз гувоҳ бўлган баъзи зарур-нозарур «ойтқич» — нотиқлар деярли бир хил эди. Эскидан таниш сўзлар, таниш иборалар. Буни билган тажрибалироқ давра аҳлилари «Эски оғизга янги гапми?» деган каби ҳар бири ўз иши билан машғул бўлиб ўтиради: кимдир яширикча газета ўқийди, кимдир олдидаги қоғозга алланималарни чизиб эрмак қилади, маърузани жон қулоғини бериб тинглаётгандек кўринган анови одам аслида бутунлай ўз хаёллари билан банд: тунов куни идорасини босган солиқчиларга қандай чап беришни ўйлаб бош қотиряптими-ей...

«Ойтқич»лар орасида шундай бийрон-бурролари борки, кечаси уйқудан уйғотиб, туртиб қўйсангиз бас — исталган мавзуда исталганча маъруза қилиб бериши мумкин. Баъзида зуллисонайинлигини намойиш этмоқчи бўлибми ёки бошқа нарсанинг ташвишидами, «иккинчи она тили»да сайраб қолади. (Давлат тили қонунлаштирилганига 6 (олти) йилдан ошаётир!) Шунда кўнгилга хавотир оралайди: бу кишим ҳув анови йиллари мутлақо бошқа ашулани айтарди, бугунга келиб бундай деяпти, эртага бир кун, худо кўрсатмасин, эски ашуласини бошлаб қолмасмикан? У мамлакат, дунё ўзгарганини билдимикин?

Бу нутқ, бу маърузаларнинг кўпи худди бир қолипдан кўчгандек, бир оғиздан чиқаётгандек, кимдир шариллатиб газета ўқиб бераётгандек сип-силлиқ, бенуқсон. Нақд сўзамоллик мусобақаси! Кўҳна йиллар давомида машқи олинган-да! Офарин демай иложингиз йўқ. Офарин дейсиз-у, кейин унинг аслида нималар деганини эслаб кўрмоқ бўлсангиз — ҳеч нарса ёдда қолмабди. Ўша ўзингиз билган, ие, ҳамма биладиган сийқа сўзлар такрори, холос. Янгилик деса бўладиган бирор оғиз гап айтмабди. Демак, ҳаммани алдабди! Ҳой биродар, бу гапларнинг менга қизиғи йўқ, дардинг бўлса дардингни айт, йўқса, менинг бундан муҳимроқ ишларим бор деб, йиғиндан чиқиб кетай десангиз, камида одобсизлик, маданиятсизлик санайдилар. Хўш, шунча одамни ишдан қолдириб, вақтини ўғирлаб ўтириш одобданми? Ёки аниқ бир фикрингиз, элга айтадиган тозароқ бир гапингиз бўлмаса-ю, ёлғондакам лутф қилиб ўтириш маданиятданми?!

Модомики, кимнинг нима дейиши олдиндан маълум экан, бирон бир жонли фикр айтилмас, бирон бир муаммо ҳал этилмас экан, бундай дабдабали машварат қуриб, ўзаро гап маъқуллатиб ўтиришдан нима наф, нима мақсад?

Мақсад бор! Мақсад — тадбир! Хўжакўрсинга! Ўтказдингми, ўтказдинг, қандингни ур!

Яшириб нима, сиз билан биз кечаги замонда не-не дабдбали мажлис-у анжуманларнинг бевосита ёки билвосита гувоҳи бўлганмиз, коммунизмнинг нурли чўққиларини тараннум этувчи оташин нутқу маърузаларни тўйгунча эшитганмиз. Лекин, очиғини айтганда, уларнинг бирортасига астойдил ишонмаганмиз; бу ишлар анчайин бурч ёки хизмат юзасидан, қолаверса, «ўйин қоидаси»ни бузмаслик, янада тўғрироғи, жон сақлаш учун қилинган. Натижада назариёт бошқа — ҳаёт бошқа, сўз бошқа — амал бошқа, яъни қуруқ ҳавозабозлик бўлиб қолган. Оқибати эса етти иқлимга аён.

Ишончсизликнинг асосий сабаби — у тантана-ю асъасаларда чинакам инсоний самимият, миллий манфаат руҳи йўқ эди. Таассуфки, бугунги кунда ҳам иш бир ёқда қолиб, тадбирбозликка рўй бераётган ташкилотлар оз эмас. Бунга қанча маблағ, қанча меҳнат, қанча умр сарф бўлади! «Ҳузур»и эса кўпинча қоғозга тан...

Бир оқсоқолимиз бўларди, бугун неча мажлисда қатнашгани, нечтасида ҳайъатда ўтиргани-ю нечтасида сўзга чиққанини айтиб ғурурланишни яхши кўрарди. Ҳар гал у кишининг гапини эшитиб, «Хўш, шу билан нимани обод қилдингиз, домла?» дегингиз келарди.

Майли, кўнгилни кенг тутайлик, бирор йиғинда қатнашмаган куни ётиб уйқуси келмайдиган хуморилар йиғилиб олиб ҳар қанча мажлис қилса қилаверсин. Хавотирли жиҳати шундаки, бундай сафсатабозликнинг кечаги замондаги каби ёлғон «ура-ура»лар-у андозаси олдиндан бичилган «ишлаб чиқариш»ларга айланиб кетмасмикан? Бу ҳол эса охироқибатда жамият ахлоқига, жамият тараққиётига салбий таъсир этмасмикан? Тилда эмас, дилда турмоғи лозим бўлган муқаддас тушунчаларнинг сийқалашувига олиб келмасмикан?..

Маълумки, жамият тараққиётини белгиловчи учқур, долзарб иборалар, лўнда, пурҳикмат фикрлар шиорга айланади. Шиорга айланиб, фуқаролар дилидан чуқур жой олиб, уларни маърифат манзиллари сари даъват этади, улуғвор юмушларга илҳомлантиради. Чинакам шиор эл манфаати, миллат манфаатидан туғилади, жамиятда сафарбарлик ҳиссини уйғотади. У — аввало, маърифат қуроли.

Бироқ, шуниси ҳам борки, ортиқча шиорбозлик, жамият ҳаётини ёппасига шиорлаштириш оммавий лоқайдликни, юзаки фикрлаш иллатини келтириб чиқариши ҳам мумкин. Кўз кўради-ю, шуур сезмайди, қулоқ эшитади-ю, қалб титрамайди.

Тўғриси, айрим мутасаддилар шиорбозликка ружу қўйган. Шиорсиз бир ишни бошлаёлмайди — гўё хато қилаётганга ўхшайверади. Кечаги тузумдан қолган бу иллат, таассуфки, ҳамон давом этаётир. Биз бу ўринда кўча-кўйлардаги пала-партиш, чаласаводларча битилиб, ўринли-ўринсиз осиб ташланган, кўзи тушган одамнинг энсаси қотадиган ҳар турли саёз ёзувларни назарда тутмоқдамиз. Масалан, қабристон дарвозасига битилган «Хуш келибсиз!» деган «лутфу карам»га нима дейсиз! Бу — маърифат эмас, фаросатсизликнинг ўзгинаси! Хўш, намунча шиорларга осилиб олдик? Гап шундаки, шиорлар, иқтибослар бояги мажлиссевар «ойтқич»ларнинг бамисоли жони, нони, сўз луғатининг асосини ташкил этувчи беминнат хазина. Шуларни такрорлашни таъқиқлаб кўринг-чи, қани, нима гапи қолар экан?

Бирон бир шиор тилга олинганда ёки арбобларимиз нутқидан иқтибос келтирилганда, теран идрок этилиб, маъно-моҳиятини тубдан очиб берилмас ва ижодий шарҳланмас экан, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Аксинча, улар ҳарчанд муҳим, пурҳикмат бўлмасин, қадри кетади, оддий, кундалик гапларга айланиб қолади — хатарли жиҳати шунда.

Масалан, «Тинчлик, барқарорлик — энг катта бойлигимиз» деган машҳур шиорни ҳар қадамда кўрамиз, эшитамиз-у, бир қарашда соддагина туюладиган бу сўзлар халқимизнинг ҳаёт-мамотига дахлдор нақадар чўнг мазмун касб этишини ҳар доим ҳам англаб етавермаймиз. Худо кўрсатмасин, лекин бир зум тасаввур қилиб кўринг-чи, ана шу бойлигимиздан ажралсак нима бўлади? .. Узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ... Уруш, можаро қонун-қоидани тан олмайди. Уруш ёшу қарини танламайди. Урушнинг кўзи кўр, қулоғи кар. Урушнинг катта-кичиги ёки адолатли-адолатсизи бўлмайди. Чунки қон тўкилган, инсон қони! У йиллар оша Азроил шарпаси мисол бесаранжом кезиб юради... Бу ёқда мамлакат вайрон, миллат прокандa, насл фожиалар гирдобида... Ўртада эса минг бир даллол: минг бир муросачи! Ҳар бирининг кўзлаган мақсад-муддаоси бўлак!

«Тинчлик, барқарорлик — энг катта бойлимгимиз». Биз бу сўзларни хотиржамгина ўқиймиз, хотиржамгина эшитамиз, хотиржамгина такрорлаймиз. Яратган эгамга шукроналар бўлсин, биз тинч-осойишта яшамоққа, барқарорликка — энг катта бойлигимизга ўрганиб қолдик. (Афсуски, бу нарсанинг қадри баъзида билинмайди.) Энди ана шу бойликни қадрлашга, қўриқлашга, ғанимат билишга, зарурат туғилганда, ҳимоя қилишга ҳам ўрганмоғимиз, тайёр бўлмоғимиз керак. Негаки, узоқ-яқинда туриб унга ҳасад қилаётганлар, ғаним кўзи билан қараб тош отаётганлар, раҳна солишга уринаётганлар — шу тариқа бу ерда ҳам ўт чиқариб, базмига исинишни орзулаб юрганлар йўқ эмас.

Атрофга бир назар ташланг-чи... Кимдир худо ато этган бир кучоқ бойлигини дунёга кўз-кўз қилиб, ўзига ўзи маҳлиё бўлиб ўтирибди — бошқаси билан иши йўқ; кимдир бегона ноғорабазмга қўшилиб, узоқ-узоқларга қўл чўзиб тиланчилик қилиш билан овора; бирови янги-янги лойиҳалар ихтироси билан машғул; тағин бирови собиқ «оға»сининг оёғига бош қўйиб сиғинган; хонадонида бир кун ҳам осойишталик ҳукм сурмаган аламзада «оға» эса, сархушликда бой бериб қўйган мўмай ўлжаларини қўмсаб дам-бадам васваса қўзғаб турибди; яна бир юртда ҳамон ҳокимият талашув, хунрезлик...

Ана шундай бир вазиятда биз тинч яшаяпмиз, барқарор кун кечиряпмиз, осойишталигимиз пойдор-мустаҳкам деб беғамликка, хотиржамликка берилиб бўладими?!

Ҳалиги оташин «ойтқич»ларимиз минбарни эгаллаб олиб, «Ватан! Истиқлол!» дея баландпарвоз нутқлар ирод этиб турганда кишини гоҳо оғир ўй босади: мабодо Ватан ҳимояга муҳтож бўлса, Ватан чорласа, мана шу сўзамоллардан нечови майдонда қолар экан? ..



Ватан ҳайқириб, жар солиб севилмайди; истиқлол — мулк эмас, моҳият. Моҳият қанчалик ботиний теран бўлса, шунчалик пойдор, мустаҳкам бўлади.

Президент Ислом Каримов дунёга илк бор Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилганда халқ вакиллари бўлмиш депутатлар, ростми, ёлғонми, ҳаяжонга тушиб, зал сув қуйгандек жимжит бўлиб қолган эди, деб эшитамиз. Президентнинг далдасидан сўнггина залда жонланиш юз бериб, қарсак бошланибди.

Кутилмаган бахт, ғалабадан одам шошиб, карахтланиб қолиши табиий, албатта. Аммо энди мустақил Ватан фуқароси бўлмоқ насиб этган экан, унга муносиб фарзанд бўлмоқ, унинг ҳар коригa ярамоқ ҳам бурч, ҳам шараф!

Хорижлик бир мухбир шундай савол берган эди: «Мустақилмиз, мустақилмиз деяверасизлар, нима, ҳалиям мустақилликларингга шубҳаларинг борми?»

Унга жавобимиз бундай: биз мустқилликни узоқ кутган, орзу қилган эдик, шунинг учун фахр билан , ғурур билан кўп таъкидлаймиз!

Бироқ, ўйлаб қаралса, ўша мухбирнинг ҳам гапида жон бор. Дарҳақиқат, истиқлолга эришганимизга тўрт йилдан ошаётир. Бу сўзни ҳар қанча такрорласак, таъкидласак арзийди, албатта. Лекин ҳар нарсанинг ўрни, меъёри бўлади. Бизнинг мустақил давлат эканлигимизни аллақачон бутун дунё тан олган. Одам ўзининг исмини ҳадеб такрорлайверса ёки бор нарсани ҳадеб таъкидлайверса, эриш туюлмайдими? Қолаверса, беҳуда такрор ўша сўзнинг қадрига, нуфузига таъсир этиб, уни ҳув бир замонлардаги тушунчалар қаторига тушириб қўймайдими?

Мустақиллик — бизнинг бундан буёнги табиий ҳолатимиз, дунёда тутган ўрнимиз, ҳаёт тарзимиз. Бу тушунча бошқа мустақил давлатларда қандай меъёрда ишлатилса, биз ҳам худди шундай қўллаганимиз маъқул.

Умуман, давлат рамзларига муносабатда ўта эҳтиёткорлик лозим. Мустақиллик — давлатимизнинг бош белгиларидан. Ватан, истиқлол сингари муқаддас тушунчаларни сийқалаштирмай, амалий иш билан юксакликка кўтариш чинакам фидокорлик, чинакам ватанпарварликдир.

«Баландпарвоз гаплардан амалий ишларга ўтишимиз керак» (Ислом Каримов). Оддийгина сўзлар. Лекин, давлат раҳбарининг оғзидан чиққанда бу сўзлар алоҳида мазмун, алоҳида салмоқ касб этади. Бундай гапни давлат раҳбари бежиз айтмайди.

Унутилмас гуржи адиби Нодар Думбадзенинг «Ватан» деган бир очерки бор. «Ватан ўзи надир?» деган савол билан муаллиф турли тоифа одамларга мурожаат қилиб чиқади, ҳар ким ўз фикрини айтади.

Кўчада тасодифан дуч келган бир йигит саволни эшитиб, «Ватан .... Ватан учун мана шу оннинг ўзида, ҳеч иккиланмай, жон фидо қилиш мумкин, — дейди,— лекин унинг нима эканини сўз билан ифодалаб бериб бўлмайди».

Унча-мунча вайсақи «ойтқич»нинг лўзига ниқоб этган баландпарвоз хитобларидан мана шу биргина жавоб кўнгилга , демакки, моҳиятга яқинроқ эмасми, нима дедингиз?

**Эркин АЪЗАМ**

*ТЎҚТАҒУЛ*

## БЎЛАРМИ?

Чайқалган ёли бўлмаса,
Отнинг кўрки бўларми?
Яхши сўзи бўлмаса,
Қартнинг[1] кўрки бўларми?
Майса, ўтлар чиқмаса,
Ернинг кўрки бўларми?
Яйлови молга тўлмаса
Элнинг кўрки бўларми?
Ўрдак, ғози бўлмаса,
Кўлнинг кўрки бўларми?
Сайрамаса саратон[2].
Чўлнинг кўрки бўларми?

Чиқармаса сочпопук,
Толнинг кўрки бўларми?
Жағида соқол бўлмаса,
Чолнинг кўрки бўларми?
Қирга буғдой сепилмаса
Ернинг кўрки бўларми?
Қорнинг музи бўлмаса,
Белнинг[3] кўрки бўлармi,
Мушки — анбар
таратмаса,
Елнинг кўрки бўларми?

**Т. АДАШБОЕВ таржимаси**

**Изоҳ:**
**1. Қарт — кекса. 2.Саратон — ҳашарот. 3.Бел — довон.**

# ҲАМЗА САҲНАСИДА ЯНГИ МАВЗУ

18 январ куни Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрида драматург Ҳайдар Муҳаммад асари асосида саҳналаштирилган «Жиноят устида ушлансин» спектакли премераси бўлиб ўтди. Спектакл Ички ишлар вазирлиги ҳомийлиги остида қўйилди. Унга милиция ходимлари, Олий милиция академияси талабалари таклиф қилиндилар.

Спектакл ички ишлар ходимларининг халқимизга кўрсатаётган хизматларига бағишланган бўлиб, юртимизда уюшган жиноятчиликка қарши олиб борилаётган курашни акс эттирган.

Премера тугагач, Республика ички ишлар вазири генерал-полковник Зокиржон Алматов сўзга чиқиб, барча тинчлик ва хотиржамлигимиз посбонларини Ҳамза театри саҳнасида илк бор саҳналаштирилган бу асар билан табриклади ва Ҳамза театрига Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг фахрий ёрлиғини топширди. Шундан сўнг, Республика Маданият ишлари вазири муовини Теша Мўминов спектаклдан олган таассуроти ва Маданият ишлари ва Ички ишлар вазирликларининг ҳамкорлиги меваси бўлган бу каби спектаклларни кўпайтириш лозимлиги ҳақида гапирди.

Кеча охирида Ҳамза театри директори Ёқуб Аҳмедовга ички ишлар вазирлиги нишони ва пул мукофоти, асар муаллифи Ҳ. Муҳаммад, саҳналаштирувчи режиссёр М. Азимов, саҳналаштиручи рассом Т. Шораҳимов, бастакор А. Эргашевларга вазирликнинг мукофотлари топширилди.

Бундан ташқари, спектаклда рол ижро этган бир неча актёрлар С. Жалолов, Ҳ. Комилов, Қ. Абдураҳмонов, М. Боботуллаева, М. Холиқова ва 30 дан ортиқ ходим ва хизматчилар тақдирландилар.

Муҳими шундаки, спектаклда республикамиз ички ишлар ходимларининг хизматлари жуда яхши кўрсатилган. Шунга қарамай, зийрак томошабин бир асар билан бутун ҳаётни очиб бериш мумкин эмаслигини тушунса-да, бу мавзуда янада қизиқарлироқ ва кенг қамровлироқ маълумот олгиси келади. Очиғи, шундай асарларга муҳтож. Умид қиламизки, театрларимиз саҳналарида кўплаб бу каби асарлар дунёга келади ва халқимизнинг олқишларига сазовор бўлади.

**Ойбек ТИЛЛАЕВ**

# ТАЁҚНИНГ икки учи

## БИРИНЧИ МАҚОЛА. ТАБИАТ ДЕМОКРАТИЯСИ

Боши биринчи бетда.

Одатий мушоҳадаларга зид ўлароқ, «демократия» кеча пайдо бўлгани, йўқ, қолаверса, у Ғарбнинг маҳсули ҳам, айримлар ваҳима қилаётганидай, «макри» ҳам эмас, аксинча, демократия қадим-қадимда Шарқда шакллангандир, агар у макр бўлса, Шарқнинг макридир. Гарчанд биз кўп йиллар цивилизация тарихини румолардан, юнонлардан бошлаб ўрганган бўлсак-да, қадим маданий тараққиёт аслида ҳиндлардан, улардан ҳам аввалроқ чинлардану туркий аждодларимиз бўлган хунлардан бошлангани бугун биз учун ҳам сир эмас. Файласуфларнинг «отаси» бўлган Конфуцийдан тўрашибди: «Тақсир, мана, Сиз бу бебаҳо дунёда анча яшадингиз. Яшаганда ҳам ақл-идрок, фаҳм-фаросат билан яшадингиз. Айтинг-чи, бу ўткинчи тириклик дунёсида одамдай яшаш учун керак бўладиган йўлни, тарзини биргина сўз билан айтганда, у қандай сўз бўларди?» Ҳаёт аччиқ-чучугини обдон тортган, қариб қолган мутафаккир қувлик билан жилмайиб: «Кенглик, болаларим, кенглик!» — деган экан. Аслида демократия шу — бағрикенглик, муроса, бировни чидаб эшитиш, кенгашиш, можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилмоқ, қанчалик ноқулай бўлмасин, ўзгача фикрни ҳам эшитмоқ, ҳамма ижтимоий табақалар билан, халқ билан ҳисоблашмоқдир. Инсоний муносабатлардаги ана шу бағрикенгликни давлатий сиёсатга айлантириб, уни «демократия» атайдилар.

Ривоят қилишларича, Арасту қўлида Искандар исмли бола таълим олган. Бир куни Арасту арқоннинг учларини мураккаб усулда тугиб, ўз ўқувчиларига ечиб беришни топширибди. Болалар у томонини-бу томонини ағдариб, чигал тугуннинг учини излаб ўтирганда, сиқилиб кетган Искандар арқонни олибдида, қилич билан тугунини шартта кесиб ташлабди: «Мана, устоз, тугундан қутулдингиз. Олинг тугунсиз арқонни!» Арасту кўп яхши-ёмонни бошидан кечирган одам эди, у бу ёш болага қараб: «Улғайсанг, подшоҳ бўласан, шиқилли, болам!» — деган экан. Дарҳақиқат, ўша бола улғайиб Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) бўлди, дунёни кўп қонга ботирди. Демократия эса сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий муаммоларнинг «чигал тугун»ларини қилич билан эмас, сабр бардош, мушоҳада, муроса билан, эринмай ечмоқдир. Албатта, бу машаққатталаб иш, аммо демократия йўли шудир. Қадим чинларга қайтсак, донишманд Лао Цзи болаларига шундай насиҳат қилиб кетган эди: «Мен ҳам қариб қолдим. Болаларим, оғзимга қаранглар: қаттиқ тишлар тўкилиб кетди, юмшоқ тил эса ҳануз турибди». Кенгликни, қайишқоқликни — демократияни васият қилганди дунё кўрган Лао.

Табиатга разм солсангиз, кўрасиз: қатъий шаклу шамойилсиз, шилдираган суюққина сув қаттиқ темирни ейди, ўзи йитмайди. Совутсангиз музга айланиб олади, қайнатсангиз буғга эврилади. Қуруқ чўпга қуйсангиз, барг чиқартириб, гуллатиб юборади. Инсон учун тирикликка фалсафа бўлгулик бир сабоқ эмасми тирикликнинг бир муъжизаси бўлган сувнинг ҳаёти! Инсон ҳам табиатнинг бир парчасидир, у умумтабиатнинг ички қонунларига бўйсуниши лозим ва у шунга мажбурдир, инсон, табиат ва унинг Яратувчиси йўсинларидан чекинган ҳар бир қадами учун муқаррар жазо олади. Хоҳ экологик, хоҳ маънавий, хоҳ технократик фожиалар тарзида бўлсин, оқибат ва охират муқаррардир. Яна билмадим. Аллоҳ билади. Зеро, биламан дейиш кескинликдир. Узил-кесил биламан демоқ — банданинг чеки эмас. Миллатимизда бу туйғу ҳамиша бор эди. Буни ҳатто... Афанди ҳам биларди. Насриддин Афанди қози экан. Бир куни қўшниси кириб, хотинидан арз қилибди. Обдон эшитган Афанди: «Сеники тўғри», — дебди. Бироздан сўнг қўшнининг хотини шикоят қилиб чиқибди. Афанди уни ҳам эшитиб: «Сеники тўғри», — дебди ва кузатиб қўйибди. Буни эшитиб ўтирган Афандининг хотини аччиқланиб, дебди: «Қанақа одамсиз ўзи?! Бир масалада қандай қилиб иккови ҳам ҳақ бўлади? Аслида ким ҳақ?». Афанди мийиғида кулиб: «Хотин, аслида сен ҳақсан!» — деган экан. Дипломатиянинг боши шу эмасми?! Ҳар ҳолда халқнинг афандиёна ички сезгиси ҳамиша можароларда муомалани олдинга суриб келади. Миллатимиздаги ана шу босиқлик бугун ҳам бизни қирғинлардан асради.

Демократиянинг «формуласи» бўлган ушбу лутфни Хўжа Аҳрори Валийга нисбат берадилар:

**Ин кора зинҳор намекунем,**
**Ин кора инкор намекунем.**

Яъни, бундай ишни зинҳор қилмаймиз, қилганни инкор қилмаймиз, соддароқ айтганда, уни дарҳол инкор қилмаймиз, бошини кесиб ташламаймиз, тушунишга ва тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Буюк демократ Хўжа Аҳрори Валий муомала учун очиқдирлар. Бу ерда «диалог» мавжуд, большевизм эса «монолог» эди, партиясини ҳам «монолит» (таркиби бир хил) атарди. Хўжа Аҳрори Валий инкорга ётдирлар, муросага, мунозарага, музокарага тайёрдирлар. Моддиюнчи марксчилар «инкорни инкор қонуни»ни («закон отрицания отрицания») топдилар, ленинчилар уни қон тўкиб амалга оширдилар, чунки инкор, тушунишга уринмаслик ҳамиша қурбонларга олиб келади. Валий ҳазратларининг лутфи франг файласуфи Волтерга юқади: «Мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман, аммо сизда ҳам фикр бўлиши табиий, мен сизнинг ўз фикрингизни бемалол айтиш ҳуқуқингизни ҳимоя қиламан, мен бу учун жон беришга ҳам тайёрман», — дейди Волтер. Оврўподан уммон ортига кўчган валиёна фикр XX аср Америко менежментининг битиксиз «тилло кодекси»да шундай садо беради: «Сиз менинг фикримга қўшилмадингиз, демак, Сиз ҳали мени тингламадингиз!» Ҳа, Сиз менинг фикримга қўшилинг, қўшилмасангиз — йўқ қиламан, дейилмаяпти, яна бир бор тингланг, гапни гап билан енгайлик, тўп билан эмас, дейилмоқда.

Аслида ҳар қандай фаҳм-фаросатга бегона бўлмаган одам биров билан суҳбатлашаётиб, гарчи ҳамсуҳбатининг гапига қўшилмаса ҳам, шундай ўйлаши лозим: мен у билан хотиржам сўзлашаман, уни инкор қилмайман, қораламайман, ҳам, нега мен ундан ранжишим керак, ахир у шундай ўйлайди ва унинг шундай ўйлашга ҳаққи бор... Худди ана шу одамий қараш бора-бора демократик мамлакатларда ҳукуматнинг ҳурфикрли вакилларига нисбатан давлатий қарашга айланади ва демократия номини олади.

Демократия, менинг назаримда, бу мувозанатдир. Бундай мутаносиблик нафақат инсоний муомалада, ҳаётий тажрибада кўринади, бу тарозу табиатнинг ўзидаёқ мавжуд, дунёни Аллоҳ аслида шундоқ яратгандир. Аллоҳ отамиз — Одам Атони яратиб, ер юзини фақат эркаклардан иборат қилиб қўя қолмади, унинг қовурғасидан жуфтини — онамиз Момо Ҳавони ато этди, табиатда буюк бир уйғунликни мужассам этган яратувчи табиатнинг бир қисми бўлган инсонни ҳам жуфт қилиб яратди ва бир-бирининг зидди бўлган эр ва хотиннинг уйғунлашувидан насллар юзага келадиган қилди. Эр-хотин мувозанати бузилиши ҳам ҳамма инқилоблар каби инқирозга олиб келиши шубҳасиздир.

Ҳаёт фақат кечадан иборат бўлса, одам сиқилиб ўларди. Ҳаёт фақат кундуздан иборат бўлса, инсоннинг силласи қуриб қоларди. Тангри кеча ва кундузни бор қилди. Менинг назаримда Аллоҳнинг севган сони бўлса, у «икки» сонидир. «Бир» эса унинг Ўзидир. У танҳодир, якка-ю ягонадир, аҳаддир. Билъакс, мўъжиза — Унинг инояти, тақдир Унинг ваколатидир. Мен ўрисларнинг «Человек полагает, а Бог располагает» деган мақолини хуш кўрардим. Бу ҳикматнинг асоси ҳам боболаримиздан экан. Мутрибий ал-Асамм «Тарихи жаҳонгирий»да шаҳодатлик беришича, Амир Темур мақбарасининг ҳовлисида уч минор бўлган (Ҳозир бу минорлар йўқ). Уларнинг бирида шундай калом битилган эди: «Ал-абд юдаббир ва Аллоҳ юқаддир», яъни «Банда тадбир қилади, Аллоҳ тақдир қилади»

Коинотда ҳамма нарса уйғунлик билан воқеъдир. Деҳқон ишига разм солинг: уруғ қадаса, униб қўшалоқ барг чиқарадики, бунда буюк бир тилсим бор. Дунёда ҳар нарса иккилангандир, зидди — жуфти биландир: кун ва тун, вужуд ва руҳ мусбат ва манфий, яхши ва ёмон, «ҳа» ва «йўқ», тирик ва ўлик, эр ва хотин, ўғил ва қиз, сув ва олов, шакл ва мазмун, юмшоқ ва қаттиқ, иссиқ ва совуқ, шимол ва жануб, ғарб ва шарқ, гул ва булбул, ҳаёт ва ўлим, ошиқ ва маъшуқа, нур ва зулмат, оқ ва қаро, замон ва макон... Борлиқ дунёда қандайдир тарзда иккилик ҳоким. Қолаверса, борлиқнинг ҳам зидди бор — бу ҳувиллаган йўқликдир. Дунёда шу дуализм, диалектика зоҳир. Ахир, Тангри:» Ўзимдан бошқа ҳамма нарсани жуфт яратдим», — деган. Қуёшни «танҳо», «ягона», («Ёлғизлик ярашар ёлғиз қуёшга») атамоқ — шоирлар хаёлоти, холос. Зеро, фазода Қуёш — миллиард юлдузларнинг биридир, Коинотда унданда улканроқ юлдузлар кўп. Оқшомлар маҳзуна милтираган «бева» Ой аслида ёлғизмас, у Қуёшнинг нурларини акс эттираётган кўзгудир, шунинг учун нур, шуъла таратади. Ой — Офтобнинг жуфти. Эрталаб туриб ойнага боқинг, ўз аксингизни, атрофингиз аксини кўрасиз, ойна ичидаги дунё — не дунё?! Аслида бу биз яшаётган дунё ҳам қандайдир улкан дунёнинг акси бўлса, не тонг. Буни Олам Ижодкори билади.

Шундай қилиб, борлиқ табиатда иккиликнинг азалий мувозанати борки, инсон ҳам унинг бир парчаси ўлароқ шу уйғунлик домидагина яшай олади. Буюк мутафаккир Жалолиддин Румий лутф этадиларки: «Улуғ тангри ҳар иккаласининг маълум бўлиши учун инсонлик билан ҳайвонликни бир ерга тўплаган. Ахир ашё қиймати зидди билан аён бўлади. Зидди бўлмаган нарсани таъриф этмоқлик имконсиздир. Улуғ тангрининг зидди бўлмагани учун ҳам: «Мен гизли бир хазина эдим, билинмоқни истадим» (Ҳадис) дея буюрилганидек, нурнинг ошкор бўлиши учун қоронғу этиб яратилган мазкур оламни мавжуд айлади». Демак, аслида бу қоронғу дунёнинг ўзи ҳам Аллоҳ нурининг ошкорланиши учундир. Ақл ва эҳтирос, бойлик ва қашшоқлик, қаноат ва нафс, сабр ва бетоқатлик мунозарасида гўё нур ва зулмат баҳс этади.

Таёқнинг — икки учи, тарозунинг — икки палласи, данакнинг икки қобиғи, тоғнинг — икки бағри бор. Инсоннинг — икки кўзи (ҳар ённи кўрсин), икки қулоғи (баҳсда икки томонни ҳам эшитсин), буруннинг икки тешиги бор. Тўғри, инсоннинг оғзи битта — ютади, аммо ютганини ичида тўплаб ўтиролмайди, оғизнинг зидди ҳам мавжуд... Табиат ва унинг бир парчаси бўлган инсон азалдан мукаммал яратилган. Аммо инсон ўзини ҳам, табиатни ҳам не куйга солаётгани ҳайратлидир. Айтишларича, японлар собиқ СССРга келибдилар. Уларга машиналарни кўрсатиб, қандайлигини сўрашибди. «Сизда ажойиб болалар бор», — дейишибди японлар. Биноларни кўрсатишибди. «Сизда гўдаклар жуда гўзал!» — дейишибди меҳмонлар. Охири советларнинг тоқатлари тоқ бўлиб: «Машиналаримиз, биноларимиз-чи?! — дейишган экан, беозор японлар: «Қўл билан ясаган нарсаларинг унча эмас», — дейишибди. Кейин кўшиб қўйишибди: «Болалар эса бошқа гап!». Яхшиям болалар қўл билан ясалмайди. Инсоннинг яралиши — Аллоҳнинг мўъжизаси, ижоди.

**Карим ҲАКИМЎҒЛИ**

